



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 6 июль, № 138 (7368)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 июль куни биринчи ярим йилликда Давлат бюджетига тушумлар натижадорлигини таҳлил қилиш ва янги вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қарийб бир йил муқаддам, 2018 йил 29 июнда “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” Президент Фармони қабул қилинган эди.

Мазкур концепция амалда татбиқ этилиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида Давлат бюджетига 39 триллион 118 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар кўп маблаг тушди. Прогноз 8 фоиз ортиғи билан бажарилгани ҳисобига маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қўшимча 2,8 триллион сўм маблаг қолди. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ижтимоий тўловлар ставкаси кескин камайтирилгани натижасида 570 мингдан зиёд яширин иш ўринлари легаллаштирилди.

Лекин жойларда янги солиқ ислохотларини тизимли жорий этиш, солиқ тушумларини кўпайтириш ва ундириш борасида айрим камчиликлар ҳам учраб турибди.

Масалан, бўш турган объектлар ва ер майдонлари негизда янги корхоналар ташкил этиб, солиққа тортиш базасини кенгайтириш борасида сусткашликка йўл қўйилган. Айрим ҳудудларда прогноз йирик корхоналар ва аввалдан солиқ тўлаш амалиёти ҳисобига таъминланган.

Давлатимиз раҳбари бу каби ҳолатлар оқибатида миллиардлаб маблағларни бюджетга тушириш имконияти

йўқотилганини таъкидлаб, тегишли вазирлик ва ҳудудлар раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш, белгиланган вазифалар ижросини қатъий назорат қилиш бўйича топшириқлар берди.

2020 йил 1 январгача солиқ текширувларига мораторий эълон қилингани қайд этилар экан, Давлат солиқ қўмитасига халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда, йил охирига қадар, солиқ тўламаслик эҳтимолини баҳолаш имкониятига эга электрон дастур яратиш вазифаси қўйилди.

Жорий йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ ва боғхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу янги солиқ ислохотларининг ўта муҳим иккинчи босқичидир.

Фармонга мувофиқ, айти пайтда қўлланилаётган қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар 2019 йил 1 октябрдан бошлаб бекор қилинади. Бундан асосий мақсад — ички бозорда барча тадбиркорлар учун бир хил шароит яратиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш.

Йиғилишда бу ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорларга чуқур тушунтириш бўйича Бош вазир раҳбарлигида тузилган

Ишчи гуруҳ штаби ва унинг ҳудудий тузилмалари ишини янада жонлантириш вазифаси қўйилди. Қўшимча қиймат солиғини тўлашга ўтадиган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари билан манзилли иш ташкил қилиб, уларнинг бухгалтериясини юритишга амалий ёрдам бериш зарурлиги таъкидланди.

Президент тадбиркорлардан солиқ мажбуриятини тўлиқ бажаришни талаб қилиш билан бирга, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш ҳам кераклигини қайд этди.

Масалан, ҳозир тадбиркорлар хом ашёни қўшимча қиймат солиғини тўлаган ҳолда сотиб олади. Ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, сотганидан кейингина хом ашё нархидаги қўшимча қиймат солиғини қайтарилади. Бунгача тадбиркор ўз айланма маблағларидан вақтинча фойдалана олмаяпти.

Шу боис давлатимиз раҳбари мутасаддиларга қўшимча қиймат солиғини бир йўла ҳисобга олиш ва уни солиқ тўловчига қайтариш механизмининг жорий этиш бўйича топшириқ берди.

Видеоселекторда энергия ресурслари тарифларини оптималлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Охирги икки йилда аҳоли, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини узлуқсиз электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш борасида қатор ишлар

амалга оширилди. Ушбу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш мақсадида тегишли тармоқларни модернизация қилиш, энергия тежамкор технологияларни қўллаш ва харажатларни оптималлаштириш талаб этилмоқда. Буларсиз тармоқларнинг молиявий аҳолини яхшилаш ва соҳага фаол инвестицияларни жалб қилиш имконсиз.

Шу боис мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари фикрларини инобатга олиб, аҳоли учун тарифларни кескин оширмасдан, инфляция даражасига яқин миқдорда ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Тариф ислохотлари халққа енгил бўлиши учун энг кам иш ҳақини ҳам ошириш режалаштирилган.

Йиғилишда тарифларни тартибга солиш бўйича таклиф этилаётган ислохотларни аҳолига тўлиқ етказиш зарурлиги таъкидланди. Солиқ ислохотларини тарғиб қилиш бўйича Республика ишчи гуруҳи аъзолари, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, иқтисодиёт ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари мутасаддиларига жойларга бориб, ҳар бир маҳаллада аҳолига тарифлар ўзгаришининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича вазифалар топширилди.

ЎЗА.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Ҳукумат парламент қарорига жиддий эътибор қаратмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш боробарида, Бош вазир ҳамда ҳукумат аъзолари Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан Олий Мажлис палаталари олдида ҳар чорақда ҳисобот бериб бориши белгилаб берилган эди.

Жорий йилда ушбу янги институтдан илк бор фойдаланилди. 2019 йил 18 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Вазирлар Маҳкамасининг 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорақдаги ижросининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Ҳукуматнинг мазкур ҳисоботи депутатлар томонидан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, Давлат дастурининг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг янада таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, бунда парламент назоратининг барча шаклидан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилганди. Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш, давлат дастурларини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларидаги мавжуд бюрократик тўсиқ ва субъектив омилларни бартараф этиш юзасидан

Ҳукумат алоҳида кўрсатмадан иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиб, қатъий назоратни амалга ошириши лозимлиги, зарур ҳолларда депутатлар билан бу соҳада фаол ҳамкорликни йўлга қўйиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди. Парламент қўйи палатасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботини кўриб чиқиш якунлари бўйича, тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастурини бажариш юзасидан Ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олган тегишли қарори қабул қилинган эди.

Қайд этиш жоизки, кейинги пайтларда Ҳукумат парламентда қабул қилинаётган ҳужжатларга ҳамда уларнинг ижросига алоҳида эътибор билан қарамокда. Бунини Қонунчилик палатасининг мазкур қарори Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 майдаги Раёсат йиғилишида атрофлича муҳокама этилгани ҳамда ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Ҳукуматнинг чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижрога йўналтирилгани ҳам аққол тасдиқлайди.



ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЛОЙИҲАЛАР

Уларни грант асосида молиялаштириш тизими истиқболлари қандай?

Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги энг йирик илм-фан марказларидан бири. Юртимизнинг бу борадаги салоҳияти, моддий-техник имкониятлари ҳамда малакали кадрларига ҳавас қилса арзийди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 90 нафар академик, 2291 нафар фан доктори, 7891 нафар фан номзоди (PhD) илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланади.

Инновация

Республикаимизнинг илм-фан сектори 360 дан ортиқ академик, олий таълим ва тармоқ муассасаларидан иборат. Фанлар академияси илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича етакчи марказий ташкилотдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, илм-фан соҳаси олдидаги муҳим вазифа — миллий иқтисодиётимизни технологик ва инновацион жиҳатдан модернизациялаш жараёнларини тўлатқис таъминловчи, самарали ва рақобатдош тадқиқот ҳамда ишланмаларни шакллантиришдир.

Маълумки, республикаимизда 2006 йилдан бошлаб илмий ва инновацион лойиҳаларни танлов асосида грант тизими орқали молиялаштириш механизми қўлланилмоқда. Ушбу тизим йирик илмий-техник дастурлар ҳамда инновацион лойиҳаларга ин-

теллектуал ва моддий ресурсларни жамлаш учун кенг имконият яратиб беради. Шундай бўлса-да, ҳозир мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Хусусан, 2018 — 2020 йиллар учун мўлжалланган амалий ва инновацион дастурлар доирасида аниқ илмий-техник натижалар олишга имкон бермайдиган, мавзу йўналиши якуний маҳсулотга йўналтирилмаган жами 27 млрд. сўмлик 150 та илмий лойиҳа бажарилапти.

Бугунги кунда деярли барча йирик саноат корхонаси фақат жорий этишга тайёр инновацион ишланмаларга қизиқиш билдирмоқда. Бироқ инновацион ишланмаларни саноат шароитида синаш, саноат-тажриба қурилмаларини яратишга кам эътибор қаратилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар-

ни ҳал этиш борасида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан давлат илмий-техник лойиҳаларини шакллантириш ва мониторинг қилишнинг самарали тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиляпти.

Хусусан, илмий-техник лойиҳаларни грант асосида молиялаштиришнинг янги тизими бир қатор афзалликларга эга. Эндиликда ишлаб чиқариш тармоқлари билан ҳамкорликда, уларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда грантлар мавзуларини шакллантириш тизими жорий этилди. Бунинг учун илмий-техник лойиҳалар танлови мунтазам равишда эълон қилиб борилади ва мавзунли молиялаштириш ҳажми аввалдан белгиланади. Қолаверса, танловда камиде иккита лойиҳа иштирок эта олади.

Танлов учун мавзуларни шакллантириш жараёни вазирлиқнинг Илм-фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади. Бу жараёнда илмий-техник кенгашлар аралашувиға йўл қўйилмайди. Улар эълон қилинган мавзулар бўйича ўз эътирозларини бериш ҳуқуқига эга.



Болаларнинг бўш вақти

мазмунли ва мароқли ўтатиши?

Бухоро вилоятида ҳам болажонларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оромгоҳларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, замонавий шарт-шароитлар яратилляпти. Бу эса кўплаб ўғил-қизларнинг ёзда мириқиб дам олишлари, бўш вақтини мазмунли ўтказишларида қўл келаётди.

«Ёзги таътил — 2019»

— Жорий мавсумда ёзги оромгоҳларимизда салкам 18 минг нафар ўғил-қизларнинг хордиқ чиқариши кўзда тутилган, — дейди вилоят қасба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Адолат Акрамова. — Таътилниинг мароқли ўтиши учун ўндан зиёд тўғараклар фаолияти йўлга

қўйилган. Кўча кутубхоналар ташкил этилган. Спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Маданий-маърифий тадбирлар уюштириляпти. Шу нуқтаи назардан Бухоро шаҳридаги “Нефтичи” оромгоҳида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қарашли мазкур маскан сўлим гўша-

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР



Марказий Осиёдаги энг баланд бино «Tashkent City»да қурилади

Шаҳар ичидаги замонавий шаҳар бўлиши қўйлаётган “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик марказида бунёдкорлик ишлари қўлами тобора кенгаймоқда. Агар шу кунларда ушбу улкан қурилиш майдонининг ёнидан ўтсангиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз. Негаки, саккизта лотга бўлинган ҳудудда замонавий меъморчилик ютуқлари асосида барпо этилаётган дастлабки бинолар қуриб бўлинган бўлса, қолган қисмида бунёдкорлик жараёни авжида.

Хусусан, марказнинг тўртинчи лотида лойиҳалаштириш ишлари якунланиб, қурилиш юмуши бошланиш арасида турибди. Эътиборлиси, бу ерда нафақат “Tashkent City”даги, балки Марказий Осиёдаги энг баланд бино қад ростлайди.



«Ўзбекгидроэнерго»: АҚШ ва Испаниянинг етакчи компаниялари билан меморандум имзоланди

Тошкент шаҳрида Испаниянинг “Grupo Cobra” компанияси, АҚШнинг “General Electric” компанияси ва “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти раҳбарияти иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Унда томонлар гидро-энергетика иншоотларини қуриш ва модернизациялашда ҳамкорлик қилиш, мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар. Мулоқот чоғида, хусусан, Ўзбекистонда янги ГЭСлар бунёд этишда мазкур компанияларнинг етакчи мутахассисларини жалб қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

Дардоқдан Беларусгача

“Оқ сув” фермер хўжалиги Қўрғонтепа туманининг Дардоқ қишлоғида жойлашган. Деҳқонлар энг сархил ноз-неъматлар етиштириб, нафақат ички бозор, балки хорижлик истеъмолчилар талабини ҳам қондирмоқда.

— Куни кеча Россия Федерациясига 20 тонна гулкарма, Беларус давлатига эса 10 тонна гилос экспорт қилдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедов. — Дала-ларимизда ҳосил мўл. Экспорт жараёнини давом эттирамиш.

Кези келганда айтиш

жоизки, ушбу фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш қорхонасида тайёрланган маҳсулотлар асосий буюртмачи — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Хукумат парламент қарорига жиддий эътибор қаратмоқда



➡ Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган маълумотда таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзолари сўровларига жавоблар юборилиши ҳолатини ҳар ойда алоҳида йиғилишларда тизимли равишда муҳокама қилиб бориш амалиёти ҳамда сўровларга жавобларни Олий Мажлис палаталари билан бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасига ҳам маълумот учун киритиб бориш механизми жорий этилди.

Давлат дастурида белгиланган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда парламент билан тўғридан-тўғри ҳамкорлигини йўлга қўйиш, жумладан, масъул ишчи гуруҳлар таркибига вазирликлар ва идоралар вакиллари билан бир

қаторда, Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари аъзоларини ҳам жалб этиш белгиланган.

Маълумотномада 2019 йил биринчи ярим йиллигида Давлат дастурида белгиланган топшириқлар ижросини ўз муддатиди, тўлақонли таъминлаш юзасидан вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарлари, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан масъул экани белгилаб қўйилгани қайд этилган. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари Давлат дастурида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги учун белгиланган топшириқлар бажарилишида юзга келаётган муаммо-

лар, камчиликларни аниқлаб, уларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида тегишли вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари иштирокида муҳокама этиш механизми жорий қилинган.

Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилган ҳужжатларнинг қабул қилиниши жараёнида улар ҳимоясининг пухта ташкил этилиши бўйича вазирликлар ва идораларга аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорак якуни бўйича жорий йил 18 майдаги Олий Мажлис қуёи палатасининг ялпи мажлисида тингланган Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи натижалари тажриба сифатида амалиётга татбиқ этилиб, Хукуматнинг 2019 йил 2-чораги якуни бўйича Давлат дастури ижроси юзасидан Олий Мажлисидаги ҳисоботида барвақт тайёргарлик қўриш ва барча таҳлилий материалларни чуқур муҳокама қилган ҳолда, пухта тайёрлаш ишлари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, маълумотномада парламент қуёи палатасининг қарори ҳамда Давлат дастурида

белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳолатини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича мунтазам равишда Хукуматда мониторинг ишлари олиб борилаётгани баён қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу маълумотномаси ва парламент қуёи палатаси қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси депутатлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари томонидан атрофлича қўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Қонунчилик палатасининг Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилли Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорагидида ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи тўғрисида" 2019 йил 18 майдаги қарори Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 майдаги Раёсат йиғилишида муҳокама этилиши ҳамда шу асосда тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилгани Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили Давлат дастурида белгилаб олинган вазифаларнинг тўлиқ, ўз вақтида амалга оширилишида муҳим



Адабиёт ва маърифат анжумани

Жиззах вилоятида мамлакатимиз ёш ижодкорларининг Зомин семинари бўлиб ўтди. Сўлим Ҳикматий оромгоҳида ташкил этилган ушбу адабиёт ва маърифат анжуманида юртимизнинг турли ҳудудларидан 200 нафарга яқин ёш шоир ва ёзувчилар, таниқли ижодкор зиёлилар қатнашди.

Мамлакатимизда адабиёт аҳлига, хусусан, ёш ижодкорларга қўрсатилаётган ғамхўрлик, Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг ҳаётдаги рўёби сифатида уюштирилган ушбу тадбир иштирокчиларга унутилмас таассуротлар тўғрисида. Уларнинг айрилмайдиган дил сўзлари ва фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Маънавият

Энаҳон СИДДИҚОВА, Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири:

— Истеъдод таълимда, тарбияда, доимий изланишда, ўрганишда қамол топади. Ана шу нуқтан назардан бундан илгирима икки йил муқаддам ўша пайтда Жиззах вилояти ҳокими сифатида фаолият юритган Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган Зомин семинари бугун ҳам ёш истеъдод соҳибларига беқиёс рағбат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Мен ушбу анжуманинг дастлабкиларида қатнашганман. Ўша пайтдаги ёшгина қиз-йигитлардан республикаимизнинг таниқли шоирлари, ёзувчилари етишиб чиқди. Бугунги иштирокчилар орасидан ҳам келахоннинг Ғафур Ғуломлари, Зулфиялари, Ҳамид Олимжонлари, Абдулла Ориповлари, Эркин Воҳидовлари қамолга етишига ишончим қомил.

Сайфиддин ОКАНОВ, иштирокчи (Жиззах вилояти):

— Семинарнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказиш учун дастури тузиб чиқилгани айни мўддао бўлди. Ҳеч бир иштирокчи зеркииб қолгани йўқ. Уч кун давомидида мусофиро табиат қўйнида сайр қилдик, таниқли ижодкорлар иштирокида давра суҳбатлари, мушоиралар, адабий жанрлар бўйича шуъбаларда машғулотлар, маҳорат дарслари ўтказилди. Буларнинг барчаси мен каби ёшларга катта мактаб бўлди, қўллаб-дўстлар орттириш, ўзаро фикр алмашиш имконини яратди.

Зумрад АБДУЛЛАЕВА, иштирокчи (Хоразм вилояти):

— Ўриқлисининг кўркем манзараси ҳар қандай инсоннинг қайфиятини кўтариб, илҳомини жўш урдириб юбориши аниқ. Бу ерга келиб Зоминнинг нега иккинчи Швейцария деб аталгани боисини англаб етгандай бўлдим. Пуриқор тоғлар, ям-яшил арчазорлар, гўё бахт қўшигини қўйлаган шодон жилғалар, қизларнинг сочидек шамолда ўйнаган гўзал шаршара... Буларнинг барчаси янги шеърларимизга мавзу!

Анвар БОТИР ўғли, иштирокчи (Наманган вилояти):

— Аруз ваэнида ижод қилишга интилам. Тўғри, бугунги адабиётимизда ушбу йўналиш бир оз оқсаётган бўлса-да, биз учун ўқиб-ўрганишга асос бўладиган беқиёс манба — мумтоз адабиётимиз бор. Хурсанд бўлганим — мазкур анжуманга таниқли адабиётшунос олимлар, маҳоратли ижодкорларнинг ҳам таширф бўюргани! Улардан ўз саволларимга атрофлича жавоб олдим. Ғазалларимнинг ютуқ ва камчиликларини айтиб, тўғри йўналишлар беришди.

Зомин семинарининг тантанали ёпилиш маросими Ўриқли-сойдаги Навоий кон-металлургия қолбанининг янги қурилган ситхатқо амфитеатрида бўлиб ўтди.

Яқуний йиғинда барча шуъба йиғилишлари, маҳорат дарслари иштирокчиларига сертификатлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, ҳоким ташкилотлар ҳамда уюшма "Дўстлар клуби"нинг эсдалик совғалари топширилди.

«Халқ сўзи».

Депутат сўровларининг 139 тасига тегишли тартибда жавоблар олинган

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан йил бошидан буён 10 та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилди. "Ғуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида", "Хукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар қаторидан ўрин олган.

Бу ҳақда ЎзЛиДеП фракцияси томонидан 2019 йил биринчи ярим йиллиқдаги фаолияти юзасидан ўтказилган брифингда ахборот берилди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида "Хукумат соати" ўтказилиб, давлат идоралари раҳбарлари ва вазирларнинг ахборотларини эшитиб бориш амалиёти кенг қўлланилмоқда, — деди фракция аъзоси Гулшана Худоерова. — Хусусан, фракциямиз ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг

мажлисида "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонун доирасида инвестициялар ва ташқи савдо ваъзирси С. Умурзоқовнинг ахбороти эшитилди. Унда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ҳамда преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳақидаги масала қўриб чиқилди.

Аҳолидан келиб тушган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли соҳаларига тааллуқли жами 3756 та

муурожаатнинг 1607 таси (42,7%) жойида қайд этилган бўлса, 1791 муурожаат депутатлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, 385 таси республиканинг тегишли идораларига ёзма равишда тақдим этилди.

Натижада ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан турли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарларига ярим йиллиқда жами 163 та депутат сўрови юборилди. Бу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан салкам 2 ва ўтган йилдагига нисбатан 3 баробар кўп.

Муҳими, юборилган депутат сўровларининг 139 тасига тегишли тартибда жавоблар олинган.

Тадбир якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ахборот маълумот учун қабул қилинди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилан олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қўмитанинг 2019 йилнинг биринчи ярим йиллик иш фаолияти якунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда маълумот берилишича, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, 2019-2020 йилларда пахта хом ашёсини ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги эканларини етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар депутатлар эътиборида бўлган. Бундан ташқари, республика тупроқ-иқлим шароитига мос, қурқочликка, шўрликка, иссиқликка, касаллик ва зараркундалларга чидамли, эртагишар ва юқори ҳосилли қишлоқ ҳўжалиги эканлари навларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиши, импорт ўринни босувчи ва экспортбоқ маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, шу жумладан, агроклас-терлар фаолиятини ташкил-лаштириш масалаларига ҳам фракция аъзолари томонидан эътибор қаратилган.

Долзарб мавзу

ҳам шунга яраша. Бироқ ечимини ку-таётган масалалар ҳам бор.

Профессор Аҳхам Эркаевнинг айтишича, бугун деярли барча ишлаб чиқариш объектига янги технологиялар олиб келиняпти. Институтимизни таомлаган кадрлар улардаги усуна ва дастгоҳлардан бемалол фойдалана олиши керак. Бунинг учун эса, аввало, институтнинг моддий-техника базаси яхши бўлиши, сўнгги лаборатория усуналари билан жиҳозланиши лозим. Мана шу жиҳатларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, айни мўддао бўлади.

Талабалар тураржойи. Бу иншоот 500 ўринга мўлжалланган. Аммо ушбу ётоқхонада 2018/2019 ўқув йили даврида 380 нафардан зиёд талабалар яшади. Нега? Мутасаддилардан аниқ изох ололмадик, талабалар ўқиш жойининг узоклиги боис бу ерда туришни хоҳламаса керак, деган хулосага келдик. Ётоқхона маъмуриятининг сўзларига кўра, бинода таъмирлаш ишлари қўл учида олиб борилганлиги учун деворлари нурай бошлаган, канализация тизимларини улаш ишлари якунига етказилмаган. Бу ердаги кутубхонадан деярли фойдаланилмайди. Бунинг охириги марта талабалар томонидан 2016 йилда олинган китоблар қайдидан ҳам яққол билиш мумкин.

Талабалар тураржойида ташкил этилган тиббиёт хонасининг аҳоли янада ачинарли. Соддароқ айтганда, тиббиёт хонасининг ўзи биринчи ёрдамга муҳтождек тасаввур уйғотади қилишади. Дори-дармонларни сақлаш учун ажратилган музлаткич ичида зарур малҳамлар эмас, аксинча, қозон тўла таом борлигига нима дейсиз? Бу ҳолатга мутасаддилардан аниқ изох ололмадик. Хулоса эса ўзингиздан.

Навбатдаги манзил — Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик С. Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти бўлди. Айни пайтда даргоҳда 300 дан ортиқ ходимлар фаолият юритади.


Бу ерда тажриба ишлаб чиқариш жараёни халқаро GMP стандартига мувофиқ модернизация қилинмоқда. Натижада ўсимлик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш имконияти кенгайди. Муассасада фармацевтика талабига мос келадиган ўттиздан ортиқ дори воситалари субстанциялари ва доривор ўсимликлар экстрактлари ишлаб чиқариш бўлимида қўйилган. 2020 йилга қадар тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги каби соҳаларга оид 40 турдаги препарат ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Муассаса фаолиятига эътибор қаратидиган бўлсак, мутахассислар томонидан мунтазам янги илмий ишланмалар тақдим этилади. Институт тажриба ишлаб чиқариш корхонасида ўсимликдан кимёвий моддалар ажратиб олинди. Бу асосда тушадиган тушум ҳам чаккимас: йиллик 2-2,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Институт директори Шомансур Сағдуллаевнинг маълумот беришича,

шу йилнинг март ойида институтнинг янги тажриба ишлаб чиқариш корхонаси қуриб битказилди. Бунинг учун кредит ва ноибоджет маблағлар ҳисобидан 30 млрд. сўм ажратилди. Пировардида самарадорлик 10 баробар ошди. Ўз ўрнида экспортда ҳам ўсиш кузатишган.

Ютуқлар ўз йўлига. Аммо институтдаги шароитни қониқарли, деб бўлмайди. Айниқса, илмий ходимлар ишлайдиган лаборатория хоналари! Гап шундаки, олимлар ҳили-ҳануз эски лаборатория жиҳозларидан фойдаланиб келмоқда. Хона мебеллари умуман янгиланмаган. Сув-коммуникация тармоқларининг эскиргани лаборатория



Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳаҳим ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

КЎЗ КЎРГАН МУАММОЛАРДАН КЎЗ ЮМИБ ЯШАШ ДАВРИ ЎТДИ

Тошкент кимё-технология институти — кимё, озиқ-овқат, нефть-газ, қурилиш материаллари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига малакали кадрлар етказиб берувчи йирик таъин олий ўқув юртларидан бири.

Ўқув, ўқув-услубий, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий, таълим-тарбия ва бошқа ишларда эришган ютуқлари тўғрисида йўналиш рейтинг кўрсаткичлари билан олий таълим муассасалари орасида юқори ўринни эгаллаб турибди.

Аммо бугун институтда эътибордан четда қолаётган айрим муаммо ва камчиликлар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Урганишларимиз хулосалари асосида барчаси ҳақида батафсил тўхталамиз.

Ҳозирги кунда таълим муассасасида бешта факультет мавжуд бўлиб, янги ўқув йили учун тасдиқланган квотани ҳисобга олганда, қарийб 4700 нафар талабалар тахсил олиши мўлжалланган.

Институтнинг асосий биноси яқин йилларда таъмирланмаганини деворларнинг қўчиб тўшаётганидан ҳам билиш мумкин. Қолаверса, эшик-деразалар ҳам эски. Профессор-ўқитувчилар ҳам алмисқодан қолган стол-стул, шкаф ва бошқа жиҳозлардан фойдаланиб келмоқда.

Аудиториялардаги аҳвол эса бундан-да ачинарли. Парталар бугунги замон талабларига мўлақоқ жавоб бермайди, уларнинг айримлари синиб кетган, деворлари эса борган сори қўчиб, тўкиляпти. Хоналари ҳам институт номига яраша жиҳозланмаган, чироқлари тўсқунлик ёнмайди. Ўқув-амалиёт усуналари янгиланмаган. Физика ва электроника кафедрасидаги аппаратлар бундан 42 йил илгари, яъни 1977 йилда ишлаб чиқарилган.

Энди Ахборот-ресурс маркази фаолиятига бир назар. Афсуски, китоб олувчиларни қайд этиш дастурини қўриб, у ҳўжақўрсинга юртилишига гувоҳ бўлдик. Бу ерда шундоқ ҳам санокли бўлган китобхоналарнинг исм-фамилияси қайда этилмас экан. Устига-устак, кутубхонадаги компьютерлар тўлиқ ишламайди.

Институтнинг ёнгинасидаги ўқув биноси бундан икки йил олдин қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. Аммо бу юмушлар ҳамон пайсалга солинмоқда. Қурувчи ташкилот ишини ўлда-жўлда қилиб кетганлиги сабабли таълим маскани жамоаси шу ҳолатда ўқитувчи ва талабаларни биного қўйишга мажбур бўлган. Бино ичида стол-стуллар, парталар тахлами эса катта "уюм"ни ҳосил қилган. — Муаммо ҳал бўлавермаган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги тегишли компанияга муурожаат қилдик, — дейди мазкур институтнинг ишлар бошқармаси бошлиғи Жамшид Соддиқов. — Аммо бу масала батафсил ўрганилиб, ҳал этилганича йўқ. Шу боис қўшимча шат очиб, ходимлар ва талабаларга зарур шароитларни яратиб беролмаямиз. Шунга қарамай, ўзимиз ҳаракат қилиб, айрим қаватларни таъмир-лаямиз.

Кузатуларимизни давом эттириб, Тошкент кимё-технология институтидан анча узоқда жойлашган — ноорганик моддалар кимёвий технологияси факультетига йўл олдик. Унинг биноси янги таъмирдан чиқарилган. Талабалар учун яратилган шароитлар

хоналарини ҳам четлаб ўтмаган: натижада деворлар нураган, батамом қўчиб тушиш аорфасида. Афсуски, кутубхонада ҳам ана шундай салбий ҳолатни кузатсиз.

Қисқаси, бино ва иш усуналари модернизацияга муҳтож.

— Бино 1965 йилдан бери капитал таъмирланмаган, — дейди институтнинг инновацион ривожланиш ва маркетинг бўлими бошлиғи Улуғбек Каримов. — Шунга қарамай, ҳар йили институти-миз томонидан жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади. Аммо ҳисоб-ки-тобимизга кўра, иншоотни тўлиқ қайта модернизация қилиш учун 32 млрд. сўм маблағ керак бўлади.

Хуллас, юртимизда илм-фан, таълим тарақиётига алоҳида эътибор қарати-лаётган бир пайтда, юқориди келтирилган муаммоларни бартараф қилиш ўрнига четдан томошабин бўлиш ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Қолаверса, кўз кўрган муаммолардан кўз юмиб яшаш даври ҳам ўтганини тегишли идора ва ташкилотлар мутасаддилари англаб олишлари керак, назаримизда. Зеро, вақт қутиб турмайди. За-мон шиддати сансалорлик, лоқайдлик-ни эмас, аксинча, ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб қилмоқда.

ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЛОЙИҲАЛАР

Уларни грант асосида молиялаштириш тизими истиқболлари қандай?

Танлов шартларида қўтилаётган натижалар ва йиллик молиялаштириш ҳажми аниқ кўрсатилгани ижрочилар учун лойиҳа тузиш жараёнида муҳим бошланғич маълумот бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, илгари молиялаштириш ҳажми етарли бўлмагани сабабли юқори натижага эришилмаган. Эндиликда эса ажратилаётган маблағлар тадқиқотчилар маошидан ташқари, ижрочи-ташкilotнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам етади.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш механизми мукаммаллиги лойиҳаларни саралаш жараёни шаффофлигини таъминлайди. Вазирлик лойиҳаларнинг танлов асосида саралаб олинishiни ташкил этаркан, уларни қабул қилиш, ўрганиш ва қарор чиқариш занжирининг ҳар бир босқичи ўзаро боғланмаган ҳамда бир-бирига таъсир кўрсата олмайдиган мустақил жараёнлардан иборат бўлишини таъминлади.

Танловга тақдим этилган лойиҳалар аввал электрон шаклда www.fan-portal.uz сайтида рўйхатга олинади. Лойиҳаларнинг қозғош шакли лойиҳа раҳбари иштирокисиз илмий-тадқиқот институтларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосарлари, олий таълим муассасаларининг илм-фан ва инновациялар бўйича



проректорлари орқали қабул қилинади. Бу жараён Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Инновацияларни жорий этиш илмий-амалий маркази ходимларидан иборат махсус ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Илмий-техник экспертизанинг кейинги босқичи юқори малакали олимлар, профессорлар ва академиклардан иборат илмий-техник кенгашлар томонидан баҳариланади. Вазирлик ходимларининг мазкур кен-

гашлар фаолиятида иштирок этиши ва аралашувига йўл қўйилмайди.

Таъкидлаш жоизки, тематик танловларда иккитадан ортиқ лойиҳалар мавжуд бўлгандагина, илмий-техник кенгашларга муҳокама учун тақдим этилади. Бунда молиялаштиришга фақат битта лойиҳа тавсия этилиши мумкин. Муқобиллари мавжуд бўлмаган тақдирда яна икки мартагача танлов эълон қилинади. Шунда ҳам бошқа муқобил лойиҳа келиб тушмаган тақдирда,

ушбу лойиҳа муҳокамалар орқали қўриб чиқилади.

Кейинги босқичда илмий-техник кенгашлар хулосалари вазир аппарати тақдим этилади, аппарат ўз навбатида хулосаларни вазирлик коллегиясига қиритади. Коллегия илмий-техник кенгашлар раислари иштирокида молиялаштиришга тавсия этилган лойиҳаларни қўриб чиқади. Коллегия ва илмий-техник кенгаш аъзоларининг муайян лойиҳа бўйича фикрлари бир-би-

ридан тубдан фарқ қилган ва томонлар ўз фикрида қатъий турган ҳолатларда лойиҳалар вазирликнинг Жамоатчилик кенгашига муҳокама учун тақдим этилади.

Шундай қилиб, биринчидан, экспертизанинг ҳар бир босқичи мустақиллиги таъминланади. Иккинчидан, илмий-техник кенгашларнинг лойиҳаларни танлаб олишда ваколатлари кенгайган, коллегия йиғилишида ҳар бир лойиҳа бўйича қарор муҳокама қилиниши орқали шаффофликка эришилиб, илмий-техник кенгашлар раислари масъулияти оширилган.

Илмий-техник лойиҳаларнинг экспертизадан ўтказилишини мониторинг қилиш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича 16 та ва стартап лойиҳалар бўйича битта илмий-техник кенгаш ташкил этилган. Тематик грантлар ва стартап лойиҳалар доирасида 2019 йилда ўтказилган танловлар натижасига кўра, бугунги кунда 97 та илмий-техник ва стартап лойиҳа амалга оширилмоқда. 2019 йилдаги умумий молиялаштириш ҳажми 50,9 млрд. сўмни ташкил этади.

Илмий-техник дастурлар ва стартап лойиҳалар баҳарилишида республикамизнинг 72 ташкилоти иштирок этмоқда.

Ушбу амалий саъй-ҳаракатлар юртимизнинг юқори инновацион имкониятларга эга давлатлар қаторига қўшилишига имкон яратади.

Шухрат ОТАЖОНОВ,
Инновацион ривожланиш вазирлиги Фан ва илмий-техник тадқиқотлари ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

ИИВ янгиликлари

Тергов-тезкор гуруҳлари махсус автомашиналар билан тўлиқ таъминланди

Ички ишлар вазирлиги томонидан тергов-тезкор гуруҳлари учун зарур асбоб-ускуналар, хусусан, компьютер техникаси, алоқа воситалари, учувчисиз учадиган аппаратлар (дрон) ва бошқа техникалар билан жиҳозланган 16 та махсус транспорт воситаси ажратилди.



Улар тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳодиса жойини сифатли кўздан кечириш, тергов

ҳаракатларини инновацион техника воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш, жиноятларнинг "иссиқ изи"дан фош этишни таъминлашда жуда асқатади.

Махсус транспорт воситалари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Ички ишлар бошқармалари ҳамда ИИВ Транспортда хавфсизлиқни таъминлаш бош бошқармасига топширилди.

Боди-камералар 2020 йилнинг 1 январидан ишга туширилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги қарорига кўра, ички ишлар органларининг йўл-патруль бўлинмалари ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеокамералар ҳамда планшетлар билан таъминлаш муддати 2020 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Ички ишлар органларининг йўл-патруль бўлинмалари ва патруль-пост хизмати ходимлари ҳамда фуқаролар ўртасидаги муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш, турли келишмовчиликлар ва зиддиятлар, бахс-мунозаралар келиб чиқишининг олдини олиш, инсон омили таъсирини камайтириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан келгусида барча кўча, жамоат жойла-



ри, шунингдек, аҳоли гавжум маъзилларни кузатиш камералари билан тўлиқ таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Интерфаол услубдаги машғулотлар

Шу кунларда Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида Ички ишлар вазирлиги тасарруфидagi малака ошириш институтининг навбатдаги сайёр ўқув йиғинлари бўлиб ўтмоқда. Унда ички ишлар идораларининг Хуқуқбузарлик профилактикаси, Жиноятчиликка қарши кураш ҳамда Навбатчилик қисми ходимлари иштирок этипти. Назарий ва амалий машғулотлар интерфаол услублар, педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этилаётди.

— Республикамизда ички ишлар ходимлари малакасини оширишнинг жаҳон талабларига мос услублари жорий этилмоқда, — дейди Малака ошириш институти бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор, полковник Нуриддин Норматов. — Шу кунларда профессор-ўқитувчилар айнан вилоятлардаги филиалларимизда машғулот олиб бораётган бўлса, кейинги босқичда бу

жараён онлайн тарзда амалга оширилади. Сайёр ўқув йиғинлари иштирокчилари ҳукуратимиз қарор ва фармонлари, вазирлик буйруқлари билан таъинлиқ қолмай, "Менинг маҳалламада жиноятчилик содир этилмаслиги керак" шiori остидаги тарғибот тadbирларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

«Халқ сўзи».

Марказий Осиёдаги энг баланд бино «Tashkent City»да қурилади



Дарҳақиқат, бир ярим гектар майдонни эгаллайдиган мазкур 50 қаватли иншоотнинг баландлиги 215 метрдан ошади. Бу Нур-Султон шаҳридаги осмонўпар бинодан ҳам юксак, деганидир. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган мазкур ноёб лойиҳанинг тақдиротида шу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Мазкур мажмуа "Осмон ҳамма учун" шиори остида маҳаллий "Murad Buildings" ҳамда Туркиянинг "Ozguven" қурувчилик компанияси томонидан бунёд этилади. У учта блокдан иборат бўлиб, аҳоли яшashi учун мўлжалланган замонавий уйлар, меҳмонхона ва ресторнлар, бизнес марказлари, хизмат кўрсатиш ва автомобиллар тураржойлари жойлаштирилади.

Баландлиги билан ҳаммани лол қолдирадиган иншоотнинг дизайни ҳам пухта ўйланган. Бунда асосий эътибор барча учун бирдек қулайлик, шинамлик ва гўзаллик яратишга қаратилган.

Ортдошларимиз ушбу лойиҳани катта хурсандчилик билан қарши олаётган бўлсалар-да, ички хавотир ҳам йўқ эмас. Сейсмик фаол ҳисобланган юртимиз қурувчилик тарихидаги энг улкан бинонинг мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиғи қандай бўлади? Хавфсизлиги-чи?

"Murad Buildings" компанияси асосчиси ва раҳбари Мурод Назаровнинг айтишича, масаланинг шу томонини ҳисобга олиб, дунёнинг 100 дан зиёд компаниялари билан музокаралар олиб борилди, хорижий давлатлар, хусусан, Япония, АҚШ, Син-

гапур, Малайзия давлатлари тажрибаси ўрганилди. Якунда туркиялик қурувчилар билан келишувга эришилди.

Ҳамкорлар биргаликда қурилиш майдонининг 100 метр чуқурликдаги барча тупроқ қатламидан намуна олиб, ҳар тарафлама ўрганишган. Унинг натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ўта мустаҳкам лойиҳа ишлаб чиқишга муваффақ бўлингани айтилмоқда. Бу жараёнда 500 дан зиёд мутахассислар иштирок этгани ҳам кўп нарсани англатади.

— Лойиҳада "ноу-хау"ларни қўллашдан ташқари, Туркиянинг йирик университетлардан профессор-ўқитувчиларни жалб қилдик ва қўллаб мутахассислардан маслаҳат олдик, — дейди "Ozguven" бошқаруви кенгаши раиси Озгур Озгувен. — Натижада архитектура ва муҳандислик нуктаи назаридан чуқур тадқиқот ҳамда лойиҳалаштириш ишлари олиб борилди. Қурилишда ҳам энг сифатли маҳсулотлардан фойдаланамиз. Бу унинг ўта мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Мутахассисларнинг урғу беришича, бинони тиклашда гранитдан ҳам мустаҳкам бўлган "М 700" маркали цемент ва бетон маҳсулотлари ишлатилади. Пойдеворининг қалинлиги эса түрт метр бўлиб, у янгича технология бўйича бир пайтнинг ўзида, узилшилмаси қўйилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бунинг учун сарфланган бетондан ҳар бири 80 квадрат метрга тенг 700 та хонадон қуриш мумкин экан. Бутун объект учун ишлатиладиган бетондан эса 5000 та шундай хонадон тикласа бўларкан!

Яна бир қизиқ факт. Осмонўпар иншоот учун дунёга машҳур тенг иншоот — Эйфель минорасидигидан ҳам кўп металл материаллардан фойдаланилиши мўлжалланаяпти. Агар ўша арматуралар бир-бирига уласган, Тошкентдан Истанбулгача бориб келиш масофасига тенг умумий узунлик ҳосил бўларкан. Ёки шунча металлдан 25 мингта автомобил ишлаб чиқарса бўлар экан.

— Лойиҳада ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолмаган, — дейди Мурод Назаров. — Ҳатто бу ерда яшовчилар ва меҳмонларнинг транспортни жойлаштириш ҳам назардан қочирилмади. Бинонинг ер ости қисмидаги түрт қаватидан автомобил тураржойлари сифатида фойдаланилади. Умуман, унинг қўллаб афзалликлари борки, бу эса хорижликларда ҳам умумий қиймати 150 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳамизга катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис у ўз маблағларимиздан ташқари, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа чет давлатлар инвесторлари томонидан молиялаштирилиши қўтиляпти.

"Tashkent City" халқаро ишбилармонлик марказига бами-соли узукка қўздеқ ярашиб тушадиган, замонавий ва инновацион архитектура ёчимлирига эга иншоотнинг пойдевори куз ойларида қўйиб бўлиниши режалаштирилмоқда.

Санд РАҲМОНОВ
«Халқ сўзи».

МДҲ мамлакатлари I туристик ярмаркаси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шу йилнинг 9-10 июль кунлари илк бор Самарқанд шаҳрида ташкил этилади


Тараддуд

Тошкент шаҳрида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мазкур нуфузли тadbирга тайёргарлик ишларининг боришига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, ярмарка МДҲга аъзо мамлакатларнинг туристик салоҳияти билан яқиндан танишиш, Ҳамдўстликдаги туризм секторининг муҳим трендлари ва янгиликларини алмашиш, туризм ташкилотлари ва бизнес вакиллари ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш

учун қулай шароит яратади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Абдулазиз Аккуловнинг ишонч билдиришича, икки кунлик ярмарка амалий натижаларга бой бўлади. Унинг доирасида ўтказиладиган "МДҲ давлатларида туризм ва минтақавий ҳамкорлик: янги чакирувлар ва имкониятлар" мавзуйидаги халқаро илмий-амалий семинарга илмий доира вакиллари ҳам жалб этилиб, туризмдаги камчиликлар, минтақавий ҳамкорлик масалалари муҳо-



кама қилинади. Муаммолар ўрганилади.

Ярмарка доирасида юртимиз ва хорижлик сайёҳлик ташкилотлари, тур

компаниялари ўртасида шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

Сайёҳ Ўзбекистонни 80 кунда пиёда айланиб чиқмоқчи

Сайёҳ Соҳиб Ражабов Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун йўлга тушди. У Андижон вилоятининг энг чекка худуди — Хонобод шаҳридан

Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманигача бўлган 2200 километр масофани пиёда босиб ўтишга қарор қилган. Бунинг учун сайёҳга 80 кун вақт керак бўлади.

— Хорижликларнинг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортиб бормоқда, — дейди Соҳиб Ражабов. — Табиатимиз, миллий анъаналаримиз ва шаҳарларимиз бетакрор. Буни чет элликларга етказишимиз керак. Нега айнан пиёда йўл босишимга келсак, мен республикаимиз сайёҳлар

учун энг хавфсиз, беҳавотир, қизиқarli ва мазмунли манзил эканлигини амалда исботлаб бермоқчиман.

Сайёҳни фаоллар ҳамда Хонобод шаҳри мутасаддилари кузатиб қолишди.

Саминжон ҲУСАНОВ
«Халқ сўзи».

ҒўЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОСМИ?

Англиянинг "Cotton outlook" журнапида эътироф этилганидек, "Ўзбекистон пахта етиштириш технологияларининг икки йўналишида, яъни кўсак қуртини кенг қамровли биологик назорат қилиш ва эртапишар навлар селекцияси дастури бўйича дунёда пешқадам".

Тўғри, республикаимизда эртапишар навлар яратиш бўйича ҳам, кўсак қуртини кенг қамровда назорат қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Аммо фақат ушбу юмушлар пахтачилик ривожига кескин бурилиш ясай олмади. Бу жараёнда қатъий амал қилиниши лозим бўлган бир қатор масалалар ҳам борки, уларни тўғри йўлга қўймасдан туриб мақсадга эришиш қийин.

Долзарб мавзу

Ҳукуратимиз томонидан ҳам масаланинг ана шу жиҳатида алоҳида эътибор берилаяпти. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Уруғчилик тўғрисида"ги Қонунидa мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш каби кўплаб вазифалар ўз ифодасини топади диққатга молик.

Ҳўш, янги ғўза навларини кўпайтириш билан шуғулланувчи бирламчи ҳўжаликларни, районлаштирилган навларнинг уруғини кўпайтирувчи элита уруғчилиги ва уруғчилик ҳўжаликларини, пахта тозалаш заводлари ҳамда улар қошидаги лабораториялари ўз ичига олган бу тизим қандай натижа берапти?

Тан олиш керак, ҳозирги вақтда республикаимизда ғўза уруғчилиги ишларини талаб даражасида, деб бўлмайди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Хусусан, бирламчи ва оммавий уруғчилик соҳасида қатор камчиликлар мавжуд. Майдонларда навдорлиги паст бўлган уруғ экилаётгани ҳосилга катта путур етказмоқда. Ғўза навлари биологик хусусиятлари муайян вилоят ёки туман тупроқ-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда жойлаштирилиши керак. Бунинг учун АҚШ, Бразилия сингари давлатлар пахтакорларидек янги уруғлик навга махсус кичик пахта

заводи билан элита уруғчилиги ҳўжалиги ташкил этилиши лозим. Шундагина навлар биологик ва механик равишда бир-бирига қўшилиб, келгусида ҳўжаликларни соф уруғ билан таъминлаш имконияти яратилади.

Ўсимликнинг 3 — 8 шохиғача тегиб олинган уруғлик пахта чигити сифатли бўлади. Бундай уруғлик чигитининг унвчанлиги унинг ўсимлигида шаклланган ҳосилнинг пишиши, толасининг сифати, чигитнинг оғирлиги вақт ўтган сайин ортиб боради.

Тўғри, унвчанлик янги терилган уруғлик пахта чигитида паст бўлади. Лекин сақлаш давомида унда бу борадаги кўрсаткич ошади, чунки у бу даврда етила боради. Уруғлик пахта чигитларининг етилиши ҳарорат +20 даражада ва ундан юқори бўлганда тезлашади.

Уруғлик чигитни саралаш ҳам асосий технологик чоралардан бири ҳисобланади. Бинобарин, бозор иқтисодиёти шароитида уруғчилик сифати энг устун кўрсаткичдир. Шундай экан, мақсадга эришиш учун навдор уруғлик чигит тайёрлаш, юқори сифатли тола етиштириш лозим. Қолаверса, бу уруғлик чигитни тежаш имконини ҳам беради.

Уруғлик хом ашёни қайта ишлаш, яъни тозалаш, толадан чигитни ажратиш, туксизлантириш, саралаш, зараркунандаларга қарши дориллаш ва сифатли сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Чигитни уруғлик учун олишда чигит ва тола си-

фатини сақлаб қолишга катта эътибор берилиши керак.

Завод ускуналарида тозаланадиган пахта ва тола ажратилиш соати 6-7 килограммдан ошмаслиги зарур. Акс ҳолда, чигит қобиғи зарарланади. Яхши етилган уруғларни таъсири жиҳатидан талаб даражасида солинган ўғит ёки расамдаида берилган ишлов тупроқ унумдорлигига унумдорлик қўшганидек, етилган чигитдан олинган ўсимлик ҳам бақувват ва ҳосилдор бўлади. Чунончи илмий изланиш ва тажрибалар кўрсатишича, сараланган чигитлар ўз вақтида экилса, ҳосилдорлик 2,5-3,0 центнерга қўядади.

Бундан ташқари, ҳозирги шароитда уруғлик чигитнинг экиш микдорини белгиллаш муаммоси ҳам пайдо бўлган. Бунинг моҳияти шундаки, туксизлантирилиб, яхши сараланган чигит аниқ уяларга экилса, уруғлик сарфи тукли чигитга нисбатан 2-3 марта камаяди. Яғаналашга ҳожат қолмайди. Лекин республикаимизда туксизлантирилган чигит оз тайёрланади ва Бухоро вилоятидан ташқари, бошқа ҳудудларда деярли экилмайди. Жорий йилдан ҳамма вилоятларда ҳам томчилатиб суғориш майдонлари кўпайиши билан, йил сайин туксизлантирилган чигитга талаб ошishi керак. Шундай экан, туксизлантирилган чигит экиладиган майдонлар камида 50 фоизга етказилиши лозим. Уруғлик чигитларни екишдан олдин бир ерда тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида 5 тадан нав экилаётган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм вилоятларида асосий реестрга киритилган 4 тадан навлар экилмоқда. Бор-йўғи 32 минг гектарга пахта экилодиган Навоий вилоятида ҳам 4 та реестрга киритилган нав экилади. Фақат Сирдарё билан Фарғона вилоятларида 3 тадан реестрга киритилган навлар экилмоқда. Аммо булар билан бир қаторда ҳамма вилоятларда 2, 3, 5 тадан, улардан ҳам кўп янги навлар синалмоқда. Демак, генетик тоза нав йўқ.

Қолаверса, уруғлик пахта билан техник пахта битта заводда тозаланади. Ҳолбуки, дунё бозорида пахтани энг қиммат баҳода сотадиган Мисрда ҳар бир худудда ғўзанинг биттадан нави экилади, ҳолос. Бу тартиб бизда ҳам жорий этилиб, 2020 йилдан элита ҳўжалиги бор ҳар бир туманда биттадан, вилоятда 3 та асосий ва 2 та янги, 2021 йилдан ҳамма туманларда биттадан, вилоятда эса 2 та асосий ва 2 та янги нав экилса, ишимиз илгарилаб, ғўза навларининг навдорлигини 2025-2026 йилларда талаб даражасига етказиш мумкин бўлар эди.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор.

Ўт қўйганни ер ҳам қарғайди

Бу — машъум уруш давридаги жангҳоқлар манзараси эмас! 4 июль куни чамаси соат 20:15 ларда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги “Ҳақиқат” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида биз гувоҳ бўлган ҳолат. Галладан бўшаган экин майдонлари аланга ичида қолган. Энг ёмони, далага ўт кетмаган, бугдойпоя инсон қўли билан ёқиб юборилган.

Фотофакт

Наҳот, одамга дон, ризқ-насиба улашаётган саховатли заминга жавобан муносабат шу бўлса?! Бу ишга қўл урганлар ернинг унумдор қисмини “мажруҳ” қилиши, замин ҳосилдорлигини оширувчи тирик организмларга қирон келтиришига фаҳми етмайдими?

Кузатувларга қараганда, бундай номақбул ҳолатлар, асосан, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида кузатилмоқда.

МУНОСАБАТ

Нўмонжон ШОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Далага ўт қўйиш оқибатида тирик организмлар, фойдали ҳашаротлар қирилиб кетади, тупроқнинг гумус қатлами, чириндилар қуйиб, унумдорлигига жиддий зарар етади. Шунинг учун қўмитамиз томонидан галла ўрим-йиғим мавсуми олдидан тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борамиз. Мисол учун, Сирдарё вилоятида 216 та фермер ҳўжалигига сомонларни ёқмаслик бўйича оғохлантириш хатлари юборилди. 1500 нафар аҳолига далага ўт қўйишнинг оқибатлари тушунтирилди, матбуот ва радиода чиқишлар қилиниб, кўргазмали материаллар тарқатилди.

Шунга қарамай, 26 та ҳолатда сомон ёқиш бўйича ҳуқуқбузарлик аниқ-

ланди. Бу ишга қўл урганларга нисбатан 17 миллион сўмликдан зиёд жарималар қўлланилиб, тупроқ унумдорлигига етказилган зарар учун 14,2 миллион сўмлик даъволар кўзгатилиди. Худди шунингдек, Тошкент вилояти бўйича 15 та ҳолат аниқланиб, 16,4 миллион сўмлик жарималар қўлланилди ва 49,9 миллион сўмлик даъволар кўзгатилиди.

Қўмитамиз жойларда тезкор гуруҳлар ташкил қилиб, ўт қўйишнинг олдини олиш чораларини кўраётган бўлса-да, ҳуқуқбузарларга бас келолмаямиз. Бунда жамоатчилик назоратини кучайтириб, фуқаролар яқиндан ёрдам беришса, бефарқ бўлишмаса, кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинар эди.



Галладан бўшаган майдонларга ўт қўйиш билан боғлиқ ноҳуш ҳолатлар авваллари ҳам жуда кўп кузатилгани сир эмас. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари, оммавий ахборот воситаларидаги танқидий-таҳлилий чиқишларга қарамай, бундай салбий хатти-ҳаракатлар ҳали-ҳануз давом этаётгани ниҳоятда ачинарлидир.

Хўш, ҳам табиатга, ҳам экологияга, ҳам саломатлигимизга, қолаверса, ернинг келгусидаги ҳосилдорлигига жиддий зиён етказётган бундай ҳолатлар яна қачонгача давом этади? Бугдойпояларни ёқаётганлар, уларнинг қилмишларига кўз юмаётган лоқайд ва бепарво мугсақдилар наҳотки бунга тушуниб етмишган бўлса?

Бир кун уларни ернинг уволи тутмасмикан?

«Халқ сўзи».

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уйда сақланаётган қўйдаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

- 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 270 GAA бўлган, «Lasetti» русумли.
Бошланғич баҳоси — 68 585 517 сўм.
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 439 YBA бўлган, «Damas» русумли.
Бошланғич баҳоси — 38 519 875 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 19 июль куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2019 йил 17 июль куни соат 18.00 гача. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2019 йил 19 июль куни сотилмаган

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-228-79-52

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «COSCOM» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уйда сақланаётган қўйдаги техник ҳолати соз автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 096 ZFA.
Бошланғич баҳоси — 131 692 144 сўм.
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 801 VFA.
Бошланғич баҳоси — 130 057 966 сўм.
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 872 VFA.
Бошланғич баҳоси — 122 220 896 сўм.
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 873 VFA.
Бошланғич баҳоси — 118 596 383 сўм.
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 952 VFA.
Бошланғич баҳоси — 123 755 854 сўм.
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 038 ZFA.
Бошланғич баҳоси — 89 361 275 сўм.
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 085 ZFA.
Бошланғич баҳоси — 89 382 349 сўм.
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 474 NDA.
Бошланғич баҳоси — 89 469 226 сўм.
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 868 DEA.
Бошланғич баҳоси — 87 109 786 сўм.
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 135 ZFA.
Бошланғич баҳоси — 89 962 149 сўм.
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 136 ZFA.
Бошланғич баҳоси — 89 891 393 сўм.
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 144 ZFA.
Бошланғич баҳоси — 88 907 219 сўм.
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 947 VFA.
Бошланғич баҳоси — 89 795 505 сўм.
- 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 978 VFA.
Бошланғич баҳоси — 89 564 805 сўм.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-228-79-52.

15. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 915 VFA.
Бошланғич баҳоси — 89 425 230 сўм.

16. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 916 VFA.
Бошланғич баҳоси — 89 557 339 сўм.

17. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 958 VFA.
Бошланғич баҳоси — 87 109 786 сўм.

18. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Captiva» русумли, давлат рақами 01 951 VFA.
Бошланғич баҳоси — 72 340 141 сўм.

19. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Captiva» русумли, давлат рақами 01 914 VFA.
Бошланғич баҳоси — 82 226 809 сўм.

20. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Chevrolet niva» русумли, давлат рақами 01 982 VFA.
Бошланғич баҳоси — 52 684 394 сўм.

21. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 296 ZFA.
Бошланғич баҳоси — 28 135 508 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 5 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 2 август куни соат 18.00. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2019 йил 5 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2019 йил 20 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2019 йил 16 август куни соат 18.00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қўйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4090-сонли қарорига мувофиқ

«SINO» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

давлат акциялари пакетини инвесторларга танлов асосида «ноль» харид қийматда, корхонанинг кредиторлар олдидаги қарзини тўлаш билан бир вақтда, корхона фаолиятини соғломлаштириш учун инвестициялар киритиш шартли билан бериш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Жамият номи — «SINO» АЖ.
Юридик манзили — Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Фаолият ихтисослиги — электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш.
Давлат акция пакети (фоизда) — 88,8.
Устав фонди миқдори (млн. сўм) — 754,01.
Дастлабки савдо санаси — 24.07.2019 йил.
Савдо ўтказиладиган саналар — ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари.
Инвестиция суммаси (млн. АҚШ доллар) — 15,0.
Инвестиция киритиш мuddати — 2 йил.
Яратиладиган иш ўринлари сони (нафар) — 350.
Қўшимча шартлар — электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхонанинг кредиторлар олдидаги барча қарзини қоплаш.

Танлов ўтказиш мuddати: талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларнинг бир нусхаси **2019 йил 24 июль куни, соат 10.00** да, Самарқанд вилояти ҳокимлигида, Кўк-Сарой майдони, 1-уйда очилади, танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий танлов савдолари **ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари, соат 10.00** да вилоят ҳокимлигида ҳудудий танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
Танлов савдолари натижалари бўйича тегишли баённома имзоланган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Танловда голиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун мuddат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолатида, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов голиби ҳисобидан амалга оширилади.
Ҳудудий танлов комиссияси қўриб чиқиши учун муҳрланган конвертда танлов таклифини тақдим этган ҳолда, танловда қатнашиш буюртманомасини қабул қилиш танлов савдоси ўтказилиши тўғрисида Эълон чоп этилган санадан бошланади ва **2019 йил 22 июль куни соат 18.00 да тўхталиди.**

Танлов дастлабки савдо санасида бўлиб ўтмаган тақдирда ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари уюштириладиган танлов савдоларида қатнашиш учун тақдим этиладиган буюртманома ҳар ҳафтанинг сешанба куни соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси (танлов комиссиясининг ишчи органи)га танлов тўғрисидаги эълонда белгиланган мuddатда қўйдаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, икки нусхада буюртманома тақдим этади:

Юридик шахслар учун — юридик шахснинг низоми ва таъсис шартномаси нусхаси, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, аудитор ҳулосаси, хизмат кўрсатувчи банкдан тўловга лаёқатлилиги ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, яшаш жойидан маълумотнома, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар (мавжуд бўлган тақдирда);

танлов шартларига мувофиқ тузилган ва қўйдагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги огзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган миқдори (суммаси), уларни тўлаш ва бажариш шакли, мuddати, ишга тушириш шартлари, яратилиши кўзда тутилган янги иш ўринлари сони;

— бизнес-режа, бажариш мuddатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), янги асбоб-ускуналар, инвентарлар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари, ускунавий талабларга жавоб берадиган дастлабки қурилиш-таъмирлаш лойиҳалари;

— ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган ассортименти ва унинг рақобатдошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қутилаётган иқтисодий самара, шунингдек, сотиш объектини молиявий-ҳужжали жиҳатдан соғломлаштириш;

— сотиш объектининг қурилиш ости фойдаланиш майдонини тиклаш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва (ёки) имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда таклиф этилган шартлар доирасида тегишли ҳужжатларни тақдим қилган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:
Самарқанд шаҳри, Мир Саид Барака кўчаси, 49-уй,
Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси биноси (хусусийлаштириш бўлими).
Маълумот учун телефонлар: 66-237-71-45, 99-595-55-12.
Факс: 66-233-73-54. E-mail: samarqand-gkk@exat.uz, samarqand@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samdavaktiv.uz

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!
Танлов савдоларида қатнашиш ёки ҳужжатларни топшириш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 71-259-21-37 ёки 71-259-20-10 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!
Танлов савдоларига марҳамат қилинг!

«Беш карра беш»
лаҳзали, пул-буюм ютуқли
лотереяси иштирокчилари
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банки
бошқаруви банкнинг
«Беш карра беш» (1 ва 2-разрядлар) лаҳзали,
пул-буюм ютуқли лотереяси билетлари тўлиқ
сотиб тугатилганлигини маълум қилади.

Мазкур лотерея бўйича ютуқ чиққан билет соҳиблари эълон чоп этилган кундан бошлаб 4 (тўрт) ой мuddатда Халқ банки филиалларига мурожаат қилиб, ўз ютуқларини расмийлаштиришлари мумкин.

Ушбу мuddат тугагандан сўнг, ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Шошилинг!
Ютуқларингизни ўз вақтида олишни унутманг!
Лотерея ташкилотчиси.
Хизматлар лицензияланган.

«Омад қуши»
лаҳзали, пул ютуқли
лотереяси иштирокчилари
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банки
бошқаруви банкнинг
«Омад қуши» (1 ва 2-разрядлар) лаҳзали,
пул ютуқли лотереяси билетлари тўлиқ
сотиб тугатилганлигини маълум қилади.

Мазкур лотерея бўйича ютуқ чиққан билет соҳиблари эълон чоп этилган кундан бошлаб 4 (тўрт) ой мuddатда Халқ банки филиалларига мурожаат қилиб, ўз ютуқларини расмийлаштиришлари мумкин.

Ушбу мuddат тугагандан сўнг, ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Шошилинг!
Ютуқларингизни ўз вақтида олишни унутманг!
Лотерея ташкилотчиси.
Хизматлар лицензияланган.

Ушбу жойда
Сизнинг рекламанингиз
бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги
Реклама —
бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 427 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлаб-қўлаб тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Гезета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Соликов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.50 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6